

Богот садоси

Халқ ишончи — олий масъулият!

МУАССИС: ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БОҒОТ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

1957 йилдан чиқа бошлаган. web-site: www.bogotsadosi.uz. E-mail:bogotsadosi@inbox.uz 2022 йил, 25 февраль. № 1 (8484)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонига мувофиқ республикамізда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш белгиланган. Аҳолини рўйхатга олиш бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги "фотосурати"и билан танишни имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қўлам-ли тадбирдир.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ҲАҚИДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ?

Республикамізда демографик жараёнларнинг ҳолатини ўрганишда мамлакат ҳудудида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки аҳолини рўйхатга олиш ишлари 1897 йилда ўтказилган бўлиб, ушбу рўйхатга олиш тадбири маълумотлари XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд оилалар, аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, тугилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берган.

Кейинчалик Ўзбекистон ҳудудида 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин аҳолини рўйхатга олиш тизими янада такомиллаштирилди. 1945-1954 йилларда 151 та давлатда, 1965-1974 йилларда 179 та давлатда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилган.

XIX асрга келиб аҳолини рўйхатга олиш жуда кенгайди. Қатор Европа мамлакатларида статистика ташкилотлари тузилди. Аҳолини рўйхатга олиш илмий дастурлар асосида олиб борилиши йўлга қўйилди. Хусусан, 1870-1879 йилларда дунёнинг 48 та, 1890 йилда эса 57 та давлатида аҳоли рўйхати ўтказилган. XIX аср охирида дунё аҳолисининг 21 фоизи рўйхатга олинган бўлса, XX аср бошида 54 фоиз аҳоли рўйхатдан ўтказилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилмаган.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш вақтида яшаш жойи (турар жойи) бўйича ўзи бўлмаган фуқаролар ёки вояга етмаганларнинг маълумотлари уй хўжалигининг вояга етган аъзоси томонидан маълум қилинади, вассийлик ва ҳомийликка олинган шахслар бўйича маълумотлар эса уларнинг вассийлари ёки ҳомийлари томонидан маълум қилинади. Ота-оналар ёш болалар ҳақида маълумот берадилар.

Аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари "ижтимоий ҳимоя", "инвестиция", "уй-жой", "соғлиқни сақлаш", "маданият", "туризм", "таълим", "йўл қурилиши ва инфратузилма" каби манзилли дастурларнинг тайёрланиши ва амалга оширилишида хизмат қилади. Келгусида аҳолини рўйхатга олиш натижаларига асосланиб ушбу дастурларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, иқтисодий прогнозлаш ва демографик сиёсатни шакллантириш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига туманимизнинг доимий аҳолиси сони 169,5 минг кишини ташкил қилиб, бу кўрсаткич вилоят жами аҳолисининг 8,8 фоизига тенгдир. Ўтган йилда туман аҳолиси 2,9 минг кишига ёки 1,8 фоизга кўпайган.

О.ОТАЖОНОВ,
туман статистика бўлими бош мутахассиси.

Статистика

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ - ЭНГ ОЛИЙ БУРЧ

Ҳеч кимга сир эмас, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлган Куролли Кучларимиз қудратини янада ошириш, ҳарбийларимизнинг жанговар шайлиги, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини кучайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Куролли Кучларнинг ташкилий-штат тузилиши принципиал жиҳатдан ўзгартирилди, тезкор-стратегик бошқарув, оператив тайёргарлик ва қўшинларни жанговар қўллашнинг ҳақиқий марказига айланган самарали бошқариш тизими яратилди, ҳарбий округлар тузилди, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тизими шакллантирилди, ҳарбий операциялар амалга ошириладиган энг муҳим йўналишларда ҳаракатчан, яхши таъминланган бўлинмалар, биринчи навбатда, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва одамларимизнинг тинч-осойишта ҳаётини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз кучлар-

нинг тажовузкор хатти-ҳаракатларига қатъий зарба беришга қодир бўлган махсус бўлинмалар ташкил этилди.

Айниқса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Куролли Кучлар қурилиши борасидаги режаларга мувофиқ қўшинларни модернизация қилиш ва энг янги курол-яроғ ва техника, жумладан, ҳаво ҳужумидан муҳофаа воситалари ва вертолётлар, бронетанк куроллари, артиллерия тизимлари, алоқа воситалари, алоҳида ва гуруҳ бўлиб ҳимояланиш воситалари билан қайта куроллантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди.

Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида бугунги кун талабидан келиб чиқиб ҳарбий-маъмурий округлар тузилди. Ҳарбий хизматчилар учун замонавий турар-жойлар қуриш, мавжуд турар-жой фондини таъмирлаш, замонавий ҳарбий шахарчаларни қуриш

ва реконструкция қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шуни фахр билан таъкидлаш жоизки, муҳофаа соҳасининг такомиллаштирилиши, ушбу соҳага берилган эътибор натижасида биз ёшлар Куролли Кучлар сафида хизмат қилишни нафақат фуқаролик бурчи сифатида, шу билан бирга энг юксак мақомдаги мутахассислик сифатида қабул қилмоқдамиз. Армия сафларига хизматга келган биз каби ёшлар бу ерда фақат ҳарбий мутахассисликни эгаллаш билан чекланаётганлари йўқ, ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқиб қатъий иродага ва ҳаётий позицияга эга бўлмоқдалар.

Бугун халқимиз Ватанга садоқатли, профессионал тайёргарликка эга бўлган, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган ўз Миллий армияси билан фахрланса арзийди.

Дюутбой КАИПОВ,
ҳарбий хизматчи.

ТАРҒИБОТЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Маънавият

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманимиздаги умумий ўрта таълим муассасаларида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, яқинда туманимиздаги 36-сон мактабда ана шундай семинар-тренинглардан бири бўлиб ўтди.

Унда Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раиси Санъатбек Ражабов, туман халқ таълими бўлими шўъба раҳбари Одилбек Худойберганов ҳамда тумандаги умумтаълим мактабларининг тарғиботчилари иштирок этишди. Мазкур семинарни малакали тарғиботчилар Мафтунабону Абдуллаева, Марҳабо Бекжоновна ҳамда Исмоил Исмоиловлар олиб бордилар.

Тадбир давомида соҳага тегишли қарорлар, тар-

ғиботчиларнинг лавозим мажбуриятлари яна бир бор таъкидланиб, амалий дарслар ўтилди, шунингдек, тарғиботчилар фаолиятининг самарадорлиги бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Ижодкор ва маҳоратли ўқувчи ёшларни танлаб олиш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш, рағбатлантириш билан бир қаторда, қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш юзасидан фикрлар алмашилди.

Семинар якунида тарғиботчиларга сертификатлар топширилди.

Умид ОТАЖОНОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси мутахассиси.

Баҳодир ҚОЗОҚОВ,
30-сон мактабнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.

Соғ таңда-соғлом ақл

турли ичимликлар ичиб "дам оладилар". Натижада 50-60 ёшда эмас, балки 30-40 ёшда камҳаракатлилик сабаб турли касалликларга чалиниб, ўз мақсадларига етолмайдилар.

Миллат келажаги ҳақида қайғурган Абдулла Авлоний ҳам бир бола тарбияси ҳақида фикр юритиб, тарбия жараёнини уч қисмга бўлган эди: "Бадан тарбияси", "Фикр тарбияси" ва "Ахлоқ тарбияси". Аввало баданнинг саломат ва бақувват бўлмоғи қолган икки тарбияга асос бўлувчи энг керакли нарсадир. Чунки, ўқимок, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли ва соғлом тана лозим. Кўпинча соғлом бўлмаган инсонлар кўп яхши ишларга қодир бўла олмайдилар. Соғлом фикр ва соғлом ахлоқ учун мустаҳкам ҳамда соғлом бир вужуд керакдир".

Хосият ХУДОЙНАЗАРОВА,
"Саломатлик маркази" шифокори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича туманимизнинг барча давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимлари "Саломатлик учун 5000 қадам" марафонларида фаол қатнашиб келмоқдалар.

"Тарбиянинг ажратиб бўлмайдиган таркиби - бу жисмоний тарбия. Жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб турувчи киши даволанишга камдан-кам муҳтож бўлади", деб таъкидлаган Абу Али Ибн Сино. Халқимиз азалдан жисмонан бақувват кишиларни эъзозлаб, уларга эътибор, ҳурмат ва ҳавас билан қараган. Хоразмнинг асл фарзанди, қураги ерга тегмаган қурашчи Пахлавон Маҳмуднинг жасорати ва хизмати халқ юрагидан шундай жой олганки, у халқ қаҳрамони сифатида эътироф этилиб, охириги кўним тошган жойи бугун сеvimли зиёратгоҳга айланган.

Ҳаёт ҳаракатдан иборатдир. У орқали инсон жисмонан соғлом шаклланади, тако-

ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК АҲАМИЯТИ

миллашиб боради. Мунтазам ва фаол, тартибли, оқилона жисмоний машқлар инсон саломатлигини таъминловчи соғлом турмуш тарзининг асосий омилларидан биридир.

Боланинг ёши, жинси ва соғлиқ даражасини эътиборга олиб унга мос спорт тури танланса ҳамда мунтазам шуғуллантирилса, бу жараён унинг кундалик одати ва меъёрига айланади. Жисмонан баркамол боланинг ўқиши ва ишида унум, барака бўлади, тўйиб ухлайди, у оғир ишлар ва янгиликлардан чўчимайдиган бўлади. Мунтазам ва фаол жисмоний машқлар бажариш - инсон организмда қуйидаги ижобий жараёнларга олиб келади:

- организмдаги моддалар алмашинуви яхшиланади;
- тўқималарда қон айланиши кучаяди, қон томирлари орқали организм кислород ва зарур озиқ моддалар билан таъминланиши яхшиланади,

ўсиш-ривожланиш жараёни яхши кечади;

- ташқи салбий таъсирларга қарши организмнинг жавоб реакцияси ошиб, иммунитет кучаяди;

- организм турли чиқинди моддалардан тозаланиши тез ва самарали кечади;

- организмда мавжуд бўлган айрим ялиғланиш жараёнлари тез сўрилиб кетади;

- инсон бутун кун давомида асаб тизими мувозанатлашиб, босиқ ва мулоҳазали бўлади;

- айниқса болаларда ўқиш сифатли ва унумли бўлиб, ижодий фаолият кучаяди;

- фаоллик, ташаббускорлик, масалага журъат билан киришиш, қийинчиликлар ва оғир

меҳнатдан қўрқмаслик, ўртоқлик ҳамда мардлик ҳиссиётлари самарали шаклланади;

- мунтазам фаол машқлар ҳар қандай ўсмирда гигиеник кўникмаларнинг шаклланишига олиб келади;

- тери ости клетчаткаси ва ички аъзоларда холестерин ёғлар камайиб, тана соғлом, эпчил, чаққон бўлади, мушаклар тортилиб, қомат кўркама ва келишган бўлади ҳамда организм ёшаради;

- инсон тенгқурларига нисбатан анча ёш, кўркама, ишчан ва соғлом кўринади;

- эрталабки бадантарбия ҳар кун ички ҳавода ўтказилса, нимжонлик ва қарахтлик йўқолади.

Инсонга хос эринчоқлик сабаб аксари ёшларимиз ўзлари учун фойдали бўлган жисмоний машқлар билан шуғулланиш ўрнига қимматли вақтларини уяли телефон, телевизор ва компьютер қаршисида ўтириб,